

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 28 январь кунин бўлиб ўтган мажлисида партия билан ҳукуматнинг ҳам ашё ва ёқилги энергетика ресурсларини тежашга оид қарорлари қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Ресурс тежашини халқ ҳўжалигининг электр энергияга, ёқилги, металлга, бошқа турдаги хом ашё ва материалларга ошиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбаига айлантириш ҳақида партия XXVII съезди ўртага қўйган вазифа ҳозирги вақтда айниқса актуал бўлиб қолди. Лекин бир қанча министрлик ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министр-

лар Советлари, кўпгина корхона ва бирлашмалар ресурслардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишнинг халқ ҳўжалигидаги аҳамиятини эътиборга олмаптилар, ишнинг хафсаласизлиги, ташаббусизлиги билан ўтказмоқдалар, бу ишни рағбатлантиришнинг иқтисодий омилларидан дуруст фойдаланмаптилар. Натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга материал ва энергия сарфи белгиланган топшириқлардан ва дунёдаги даражадан анча ошиб кетмоқда.

Ресурс тежайдиган техникани ва янги технологияни яратиш ва кенг омаллаштириш соҳасидаги илғор тажрибага

етарли баҳо берилмапти. Материал сарфлиниши ва энергия ишлатилиши жиҳатидан замонавий талабларга мос келмайдиган янги асбоб-ускуналар, машина ва механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш учун топшириш давом этмоқда. Иккинчи ресурслардан кенг фойдаланишга муносиб эътибор берилмапти, бу соҳада катта резервлар бор.

Министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига халқ бойлигидан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан энг зарур иқтисодий, ташкилий, техникавий, тарбиявий тадбирларни амалга ошириш

ҳамда ресурс тежаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга материал сарфини камайтириш юзасидан берилган топшириқларни бажаришда йўл қўйилган қолоқликни тугатиш тақлиф этилди. Туб иқтисодий ислохот шароитида тежамкорлик учун кураш ҳар бир ҳўжалик бўлиминини, ҳар бир партия ташкилотининг ишида энг муҳим соҳалардан бири бўлиб қолиши керак.

Сиёсий бюро ҳукуматнинг ташқи иқтисодий рекламани тубдан қайта қуришга оид тақлифларини кўриб чиқиб, маъқуллади. Ватанимиз моллари ва хизматларининг ташқи бозордаги рақобат қобилиятини оширишнинг самарали воситаси бўлиши рекламанинг ролини ошириш зарурлиги ўқтириб ўтилди. Ташқи иқтисодий реклама соҳасида пул билан таъминлашни такомиллаштириш, материал-техника базани ривожлантириш ва фаолиятни рағбатлантириш тадбирлари белгилан-

ди. Министрликлар ва идораларнинг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг, СССР савдо-саноати палатасининг алоҳида диққат-эътибори бу ишдаги аҳволи тубдан ўзгартириш зарурлигига қаратилди.

Сиёсий бюро ВЦСПС, СССР Фан ва техника давлат комитети, СССР Фанлар академияси ва Бутуниттифоқ илимий-техника жамиятлари кенгашининг СССР илимий ва инженерлик жамиятлари союзини тасвис этиш тўғрисида кенг жамоатчилик доиралари фикрига асосланган тақлифини қўллаб-қувватлади. Бу масалани илимий-техника жамиятларининг бўлғуси VII Бутуниттифоқ съезди муҳокамасига киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маориф, фан ва маданият масалалари

(Давомин 2-бетда).

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБрдАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 22 (9258).

1988 йил 30 январь

Баҳоси 3 тийин.

Мукофот пули— болалар фондига

В. И. Ленин номидаги Совет болалар фондига кўн-гилли равишда маблағ ўтказиб берилган орасида қатор коллективлар ҳам бор. Хусусан, КПСС XXVII съезди номидаги Олмалик химия заводининг ишлаб чиқариш-техника бўлими коллективи ҳам мазкур фонд счётига 300 сўм ажратди. Бу — ўтган йилнинг учинчи кватртидаги социалистик мусобақада ғолиб чиққанликлари учун шу бўлимда ишлаётган инженер, диспетчерлар ва бошқа ходимларга берилган мукофот пули эди.

Л. ЛАВРИНА.

ДАСТЛАБКИ ВАГОН — ВЬЕТНАМГА

Бекобод пахта тозалаш заводидида ишлаб чиқарилаётган толаннинг бир қисми дўст мамлакатлар тўқимачилик корхоналарига юборилади. Утган йили завод ўз маҳсулотларини Чехословакия, Польша, ГДР, Руминия, КХДРга жўнатди.

1988 йилнинг дастлабки кунларида ишланган толаннинг 50 тоннаси Вьетнам Социалистик Республикаси тўқимачиларига экспорт қилинди.

«БОЙЧЕЧАК» ОЧИЛДИ

Хоналари тор ва шароити анча ноқулай, 40 дан ортиқ тарбияланувчини қабул қила олмайдиган эски боғча фаолияти анчадан бери Оханга-рондаги Серго совхозини 4-бўлими ишчи-хизматчиларини қонқитираётганди. Яқинда фойдаланишга топширилган янги боғча биноси улар учун айни муддао бўлди.

90 ўринли мазкур бино хоналарининг шинамлиги, алоҳида-да чўмчиш, музика, спорт, овқатланиш хоналари борлиги билан ҳам ота-оналарга манзур бўлмоқда. У салкам 40 минг сўмлик ўйинчоқлар ва мебеллар билан жиҳозланган.

Т. ШЕРАЛИЕВ.



Грамадан сўт соғиб олаётган ферманнинг ветеран сўт соғувчиси Зулфия Маҳмадова ўз қизини Фарзанда билан 44 бош сиғирни соғатди.

Суратлардан сарайлаётган фермасининг сўт соғувчиси Атиргул Аббасова ва [чапда] қарамондаги 24 бош сиғирнинг сўтириши учун ҳам сиғирлар маҳсулдорлигини ўзгартириш мақсадига 12—13 кило-

рай-ондаги «Полигудево» колхозининг чорвадорлари қиш пайтида озуқа рақсонининг тўлиқ ва тўриқли бўлишига эришиш мақсадида. Шунинг учун ҳам сиғирлар маҳсулдорлигини ўзгарти-

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ
93-КАЛИНИН САЙЛОВ
ОКРУГИДАН
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИГА ДЕПУТАТ
САЙЛОВИНИ УТҚАЗИШ
Тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

«Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунининг 57-моддасига мувофиқ, Тошкент область 93-

Калинин сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат сайлови 1988 йил 28 февраль, яқшанба кунин ўтказилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. РОМАНОВСКИЙ. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА. Тошкент шаҳри, 1988 йил 28 январь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ
108-КЕЛЕС САЙЛОВ
ОКРУГИДАН
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИГА ДЕПУТАТ
САЙЛОВИНИ УТҚАЗИШ
Тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

«Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунининг 57-моддасига мувофиқ, Тошкент область

108-Келес сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат сайлови 1988 йил 28 февраль, яқшанба кунин ўтказилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. РОМАНОВСКИЙ. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА. Тошкент шаҳри, 1988 йил 28 январь.

Областимизнинг бир кунин • Областимизнинг бир кунин • Областимизнинг бир кунин • Областимизнинг бир кунин

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

(Давоми. Бош 1-бетда).

билан шугулланувчи муассасаси (ЮНЕСКО) даги иштироки самардорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилди. СССРнинг БМТ мена шу йриктихтисослаштирилган муассасаси доирасидаги актив фаолияти гуманитар соҳадаги ҳамкорлиги учун янги муҳитни ажууда келтиришга, жаҳон сиёсатида аҳолиймаънавий негизларни қарор топтиришга, ялпи умумбашарий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашмоғи лозимлиги

уқтириб ўтилди. Ядро қуролини қисқартириш ишида дастлабки реал натижаларга эришилган пайтда бу иш айнқица муҳимдир. ЮНЕСКО дунёдаги интеллектуал ҳамкорлиқнинг ҳақиқий маркази бўлиб қолиши, халқларнинг маданий бойликлари емирилишининг олдини олиши, унинг ҳуқуқ доирасига кирадиган соҳаларда жаҳон миқёсида энг янги ютуқларни оммалаштиришга кўмаклашмиш лозим.

Сиёсий бюро Н. И. Рижковнинг Швеция Бош вазири И. Карлссон ва Норвегия Бош

вазири Г. Харлем Брундланд билан шу мамлакатларга қилинган визитлар вақтида ўтказган музокаралари, Швеция ва Норвегиянинг бошқа сиёсат ҳамда жамоат арбоблари, савдо-саноат доираларининг намоёнделари билан суҳбатлари аюқларини маъқуллади. Энг муҳим халқро масалалар хусусида, дунёдаги янги кулай тенденцияларни баҳолашда Швеция билан ҳам, Норвегия билан ҳам анчагина юқори ҳамжиҳатлик даражасига эришилди.

М. С. Горбачёвнинг 1987 йил октябрида Мурманскда

илгари сурган ҳамда СССР Министрлар Совети Раисининг Швецияга ва Норвегияга қилган визити чоғида аниқлик киртилган ташаббуслари ҳарбий-сиёсий ва граждандлик жиҳатларини амалий ишларда рўйбга чиқариш мақсадида иккала мамлакат билан сиёсий мулоқотни ва барча поғоналардаги алоқаларни фаол ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди. Кола ярим оролининг минерал ресурсларидан фойдаланиш, соҳил яқинидаги денгизлар тубидан нефть ва газ қозиқ олиш соҳасидаги, бошқа соҳалардаги кенг миқёсли лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида шу мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиқни, жулладан бошқа шимоллий мамлакатлар билан кооперациялашиб кенгайтириш му-

ҳимлиги мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди. Сиёсий бюро ижтимоий-сиёсий ва илмий-оммабо «Родина» журналинн нашр этиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди. Журналнинг бош вази-фаси — ёшларга тарихий, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясини беришдан, Коммунистик партиянинг, совет халқининг революцион, жанговар ва қишлоқ анъаналарини тарғиб қилишдан иборат. Журнал 1988 йилнинг ўрталаридан бошлаб «Правда» газетасининг нашри тарзида чиқарилади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида партияюз билан давлатиқтисодий ва социал сиёсатининг, шунингдек ташқи сиёсий фаолиятининг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама қилинди.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

29 январь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов Хиндистон Республикасининг СССРдаги факуллода ва мухтор элчиси Трилоки Натх Каулни қабул қилди.

Самимий ва рўй-рост суҳбатда М. С. Горбачёв билан Р. Гандининг уршавидан кейин, улар ядро қуролдан холи ва аўравонликсиз дунё принциплари тўғрисидаги Деҳли декларациясини имзолаганларидан сунг янги сифат касб этган Совет-Хиндистон муносабатларининг ҳолатидан яқдиллик билан чуқур мамнуният изҳор этилди. Совет Иттифоқи билан Хиндистон ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга Ўзбекистон меҳнатчилари салмоқли хисса кўшаётганликлари уқтириб ўтилди.

Р. Н. Нишонов КПСС XXVII съезди белгиланган қайта қуриш ва жадаллаштириш вазифаларини ҳал этиш соҳасида республика партия ташкилотини ўтказаетган кўп қиррали ишлар ҳақида гапириб берди. Халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари, аввало пахтачилик ва чорвачилик самардорлигини юксалтириш соҳасида куч-ғайратлар сарфланмоқда, уй-жой ва озик-овқат программаларини турмушга татбиқ этиш, салбий ҳодисаларнинг оқибатларини тугатиш юзасидан чорра-тадбирлар кўрилмоқда.

Анъанавий дўстлик, маданиятларнинг яқинлигига эмас, шу билан бирга тинчликка, турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилиш ҳам халқларимизни яқинлаштиришда, деб таъкидлади Р. Н. Нишонов. Тошкентда Хиндистон фани, техникаси ва маданиятига бағишлаб оцилган кўргазмалар ҳам шу олижаноб ишга хизмат қилади.

Трилоки Натх Каул мамлакатинида рўй бераётган қайта қуриш жараёни менда катта таассурот қолдирди, бу ерда иқтисодий муаммолар билан бир қаторда ўткир социал масалалар ҳам хал этилмоқда, деди. Ўзбекистон билан Хиндистон ўртасидаги ҳамкорлиқни айнқица, биргалликда корхоналар берпо этиш, биргалликда илмий-тадқиқотлар ўтказиш негизида кенгайтириш учун катта имкониятлар бор. Ҳамкорликка, тинчлик ва социал тараққиёт учун қурашдаги куч-ғайратларини бирлаштиришга ўзаро таяёрлик тасдиқланди.

Суҳбатда Хиндистоннинг СССРдаги элчихонаси маслухатчиси Вина Сакри, Хиндистон Республикасининг Тошкентдаги бош консули Йогендра Кумар, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар вазири С. Қ. Қурбонов қатнашди.

(УзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ СССР «ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ» ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:
1. СССР Қуроли Кучларининг 70 йиллигини нишонлаш юзасидан «СССР Қуроли Кучларининг 70 йиллиги» юбилей медали таъсис этилиши.
2. «СССР Қуроли Кучларининг 70 йиллиги» юбилей медали тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.
3. «СССР Қуроли Кучларининг 70 йиллиги» юбилей медалининг тасвири тасдиқлансин.
4. Ушбу Фармоннинг 1-моддаси муносабати билан: СССР Олий Совети Президиумининг 1979 йил 3 июлдаги Фармони (СССР Олий Советининг ведомостлари, 1979 йил, № 28, 479-модда; 1982 йил, № 28, 537-модда; 1985 йил № 16, 270-модда) билан тасдиқланган СССР орденлари, медаллари ва фахрий унвонлари тўғрисидаги умумий Низомнинг 17-моддаси «СССР Қуроли Кучларининг 60 йиллиги» юбилей медали» сўзларидан кейин «СССР Қуроли Кучларининг 70 йиллиги» юбилей медали» сўзлари билан тўлдирилсин;
СССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 28 мартдаги Фармони (СССР Олий Советининг ведомостла-

ри, 1980 йил № 14, 261-модда; 1982 йил №28, 537-модда; 1985 йил, № 16, 270-модда) билан тасдиқланган СССР орденлари, медаллари, орден ленталари ва планкалардаги медаллар лентаси ҳамда ўрнак кўрсатганлик учун берилган бошқа нишонларни тақши қондаларининг иккинчи қисм тўртинчи банди ва биринчи қисм еттинчи бандини «СССР Қуроли Кучларининг 60 йиллиги» юбилей медали» сўзларидан кейин «СССР Қуроли Кучларининг 70 йиллиги» юбилей медали» сўзлари билан тўлдирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль,
1988 йил 28 январь.

«СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ» ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИНИНГ ТАСВИРИ

«СССР Қуроли Кучларининг 70 йиллиги» юбилей медали жездан тайёрланган бўлиб диаметри 32 миллиметр келадиган тўғри доира шаклига эга.
Медалнинг ўнг томони марказида солдат, матрос ва учувчининг ён томондан туширилган юз тасвири иккита дафна япроғи билан ўралган, юқори қисмида эса беш қиррали юлдуз ўртасида Уроқ ва Болга тасвири, пастда «1918» ва «1988» саналар ёзилган.
Медалнинг тескари томонида «СССР Қуроли Кучларининг 70 йиллиги» сўзлари, шу ёзув тағида дафна ва эман япроқлари тасвири бор.

Медалдаги барча тасвирлар ва ёзувлар қабарик шаклда, медалнинг четлари бўртирилган.
Медали илгак ва халқа ёрдамида кенглиги 24 миллиметр келадиган шойи муар лента ўралган беш қиррали колодка билан бирлаштирилади. Лента қизил рангда. Лентанинг ўртасида қондаланга тарам-тарам йўллр бор — уларнинг иккитаси сариқ ва биттаси мовийдир. Лента четлари ингичка яшил чириклар билан хошияланган.

СССР Олий Совети
Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.



Суратда: юбилей медалининг олд ва орқа томонининг кўриниши.

ТАСС — УзТАГ фотохроникаси.

1. «СССР Қуроли Кучларининг 70 йиллиги» юбилей медали билан:
1988 йилнинг 23 февралига қадар Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинларда, шунингдек, СССР Давлат хавфсизлиги комитети органларида ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлиб, белгиланган муддатни адо этиб, яна ҳарбий хизматни давом эттираётган офицер составига мансуб кишилар, прапорщиклар, мишманлар ва ҳарбий хизматчилар;
собиқ қизилғвардиячилар, Совет Ватанини ҳимоя қилишда ҳарбий хизматчи сифатида жанговар ҳаракатларда қатнашган кишилар, граждандлар урушининг ва 1941—1945 йиллардаги Улуу Ватан урушининг партизандари;
Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинлар ҳамда СССР Давлат хавфсизлиги комитети органларида календарь ҳисобидида 20 йил ва ундан ҳам кўпроқ хизмат қилиб, ҳақиқий ҳарбий хизматдан запасга бўшатилган ёки истеъфога чиққан кишилар;
ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ чоғида «Жасурлик учун»,

«СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ» ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ
Ушаков, «Жанговар хизматлари учун», Нахимов, «Шаваклатли меҳнати учун», «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун», «СССР давлат чегарасини қўриқлашда ўрнак кўрсатганлик учун», «Ҳарбий хизматда ўрнак кўрсатганлик учун», «Жамоат тартибин сақлашдаги аъло хизмати учун» СССР орден ва медаллари билан тақдирланган кишилар мукофотланганидир.
2. «СССР Қуроли Кучларининг 70 йиллиги» юбилей медалини СССР Олий Совети Президиуми номидан ҳарбий қисмлар, бирлашмаларнинг командирлари, муассасалар, идораларнинг бошлиқлари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ҳарбий комиссариятлари, ўлка, область, округ, район ва шаҳар ҳарбий комиссариятлари томонидан, ишлаган мукофотланган кишиларга эса яшаб турган жойида тузилган ва тасдиқланган рўйхатлар бўйича топширилади.
Юбилей медали билан бирга мукофотланганларга белгиланган формадаги гувоҳно.

«СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ» ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ
ма ҳам топширилади.
3. «СССР Қуроли Кучларининг 70 йиллиги» юбилей медали:
мукофотланган ҳарбий хизматчиларга — ҳарбий қисмлар, бирлашмалар командирлари ва муассасалар, идоралар бошлиқлари томонидан, ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатилган кишилар, собиқ қизилғвардиячилар, граждандлар уруши, 1941—1945 йиллардаги Улуу Ватан уруши партизандарига — иттифоқдош ва автоном республикалар ҳарбий комиссариятлари томонидан, ишлаб турган мукофотланганларга — ўлка, область, округ, район ва шаҳар ҳарбий комиссариятлари томонидан, ишлаган мукофотланган кишиларга эса яшаб турган жойида тузилган ва тасдиқланган рўйхатлар бўйича топширилади.
«СССР Қуроли Кучларининг 70 йиллиги» юбилей медали билан мукофотланган киши-

лар рўйхати (ҳарбий хизматчи, лардан ташқари) қизил гвардия отрядларида хизмат қилганлигини, Совет Ватанини СССР Қуроли Кучлари сафларида ҳимоя қилиб, жанговар ҳаракатларда, партизандар ҳаракатида иштирок этганлигини, Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флотиди, чегара ва ички қўшинларда ҳамда СССР Давлат хавфсизлиги комитети органларида календарь ҳисобидида 20 йил хизмат қилганлигини ёки ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ вақтида орденлар билан мукофотланганлигини ёхуд ушбу Низомнинг биринчи моддасида кўрсатилган СССР медаллари билан мукофотланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тузилади.
Юбилей медали топширилган ҳақида мукофотланганлар рўйхатида тегишли ёзув қайд этилади.
4. «СССР Қуроли Кучларининг 70 йиллиги» юбилей медали кўрақнинг чап томонида «СССР Қуроли Кучларининг 60 йиллиги» юбилей медалидан кейин тақилади.
СССР Олий Совети
Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

САЛОМАТЛИК САҲИФАСИ

Биноплар ҳам давога муҳтож

Оржоникидзе район марказий касалхонасининг бош вақчи Хотам Муҳсинович Ризаевнинг бу даволаш муассасасига бошчилик қилаётганига эндигина тўрт ой бўлди. Илгари у моддий базасини анчагина мустаҳкамлаб олган область касалхонасининг реанимация бўлимида ишлар, кўпгина беморларни мушкул аҳволдан ҳалос этар эди. Ҳозир у билан суҳбатлашиб қолсангиз «одамнинг дардидан ҳам биноларнинг оғир» бўлар экан, дейди. Бош врач ҳақ. Утмишдан ёш рақбарга озмунча муаммо мерос бўлиб қолди, дейсизми? Деворларига зах уриб кетган хоналар, ремонтлаб корпуслар, этни жунжиктирадиган палаталар, койкаларнинг етишмаслиги, айрим бўлимларнинг санитария талабларига жавоб бермаслиги... ҳаммасини бир-бир санаб тугатиб бўлмайди. Албатта, бир неча йиллар давомидаги лоқайдлик туфайли содир бўлган бу «камчиликларни» дарҳол тугатиш кийин.

— Кўп бўлмаса ҳам, озоқ силжиш бор, — дейди Хотам Муҳсинович, — беморларга жой камлик қилгач, поликлиникага мўлжаллаб қурилган бинога бир неча бўлимларни жойлаштирдик. Қурувчиларнинг айби билан қатор қулайликлардан маҳрум бўлган, болалар бўлими корпусида ремонт ишлари олиб бориляпти.

У район рақбарлари партия, совет органларининг маъмурий биноларни даволаш муассасалари учун бўшатиб бериш билан боғлиқ кўрсатмасига жиддий эътибор бераётганлиги, район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюросида бу масала кўрилганлиги ва ижобий ҳал қилинаётганлигини мамнунлик билан тилга олди.

Биз марказий касалхонами айланар эканмиз, медицина муассасаларига эътибор жуда зарур бўлиб қолганлигини яна бир бор ҳис этдик. Касалхона учун солаштирилган бинода ҳам қулайликлар етарли эмас. Палаталар совуқ, рентген кабинети тўртинчи қаватда жойлашган-у, ammo лифт йўқлиги туфайли беморни ё кўтариб, ё опинлаб олиб чиқишга тўғри келмоқда.


Беморлар билан суҳбатда бўлдик. Неврология бўлимида домий врач бир ҳафтадан бери йўқлиги, поликлиникадан тақлиф қилинган мутахассис маълум соатлардагина касалларни кўраётганлиги ҳақида бу ерда даволанаётган М. Е. Санькова ҳамда Е. Г. Ковалёвалар ачиниш билан гапирди. Бўлимда физиотерапия муолажаларини қўллаш учун етарли имконият йўқлигидан, кундузлари ҳам сувараклар безовта қилаётганлигидан улар нолидлар.

Шифохонанинг жаррохлик бўлимида О. Пўлатов, М. Ғуломов, И. Муллахонов каби шифокорлар жонкуярлик кўрсатиб ишламоқдалар. Ким билан суҳбатлашманг улардан миннатдор эканлигини билдиради. Ammo бу ердаги санузелининг бузилиши туфайли заҳдан намиқиб кетган коридор деворини, хоналардаги антисанитария ҳолатини кўриб дилнингиз ранжийди. Иккинчи болалар бўлимида врач Ортиқбой Бойжигитов беморларга ола-қора қараётгани ҳақида Ирода Хамроева изтироб билан гапирди.

— Эринг қон бермаса, болангни укол қилмайман, — деб уч кундан бери даволашни тўхтатиб қўйдилар. — Мана ўзларининг юз-кўзлари, — деди у. — Турмуш ўртоғим милицияда ишлайдилар, шу кунларда қон топиришга вақтлари бўлмапти...

Бўлимларни айланиб чиққач, Хотам Муҳсиновични яна ҳовлида учратдик. Район партия комитети пропаганда бўлимининг мудир Раҳматилла Шералиев ҳам шу ерда эди. У бизни хушнудлик билан қарши олди: худди ўша кунни район соғлиқни сақлаш бўлими учун яна бир маъмурий бино ажратилбди. «У ерга «тез ёрдам» станцияси кўчиб ўтади», деди у. Бу хушхабар бизни ҳам мамнун этди.

С. ҲАСАНОВ.



● Райондаги қурилиш ташкилотларидан бири бунёд этган бу корпус тез орада «хўнар кўрсатди». Унинг деворларидан бири тепадан пастга қоқ ёрилиб кетди. Шундан кейин анча вақтгача бум-бўш ётди. Эндигина уни ремонт қилишга киришишди.

● Марказий касалхонадаги асосий бинонинг олд деворларидан бири худди шундай «лат еганича» нажоткорини кутмоқда.

● Шифохона ҳисобида турган бу «тез ёрдам» машиналарининг ўзи ёрдамга муҳтож.

А. Зуфаров фотолари.



50 СЎМГА... 10 КИЛО ОЗАСИЗ

Врачларнинг фикрича ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги ҳар икки кишининг бири ортиқча вазига эга. Бу эса уларнинг меҳнат қобилиятларининг сусайишига, турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бу шифокорларни ташвишлантирмоқда. Шунинг учун ҳам улар яқинда Москвада шәрҳ соғлиқни сақлаш бошқармаси кўмағида ташкил этилган «Соғломлаштириш» марказига қизиқиб билан қарамоқдалар. Ҳўналик ҳисобида ишлаётган бу марказ москваликларга пулли хизмат кўрсатмоқда. Тушган маблағ мутахассисларга ҳақ тўлаш, бино учун ижара ҳақиға, зарур асбоб-ускуналар ва жиҳозлар сотиб олиш учун ишлатилмоқда.

Марказ ташкилотчиси ва рақбари, медицина фанлари кандидати В. И. Воробьев фикрича бу бошланган иш кишилар учун ниҳоятда зарур ва у бошқа шахарларга ҳам ёйилиши керак. Марказнинг асосий мақсади — кишиларга ортиқча вазндан қўтилишга, саломатликларини тиклаш ва ҳаётий фаолиятларини кучайтиришга ёрдам беришдан иборатдир.

— Ортиқча вазнни йўқотишда, — дейди Василий Иванович Воробьев, — ҳар қандай парhez ҳам вақтинчалик самара беради. Узоқ вақт мобайнида кийинчилик билан парhez сақлаган киши маълум муддатдан сўнг яна ўзининг асл ҳолатига қайтади. Шунинг ҳисобига олган ҳолда марказда ҳар бир мижоз учун алоҳида овқатланиш рақioni тўзиб чиқилади. Бу рақioniга киши организми учун керак бўлган барча озиқ-овқат маҳсулотлари киритилади.

Кўзланган мақсадга эришиш учун мижозлардан ҳам баъзи шартларга қатъий амал қилиш талаб этилади. Жумладан улар: 1. Овқатни шойилмасдан истеъмол қилишлари, 2. Овқатланишда чоғроқ идиш-товоқлардан фойдаланишлари, 3. Кун давомида оз-оздан олти марта овқатланишлари лозим.

Булардан ташқари ортиқча вазнни йўқотишда физкультура ва спорт билан шугулланиш жуда муҳим роль ўйнайди. Айниқса, югуриш, теннис, велоспорт, сузиш жуда фойдалидир. Шунинг учун ҳам марказда спортнинг турли соҳалари бўйича тренерлар мижозлар хизматида бўлмоқдалар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, марказда хизмат учун ҳақ олинади. Шунга қарамай янги марказ хизматида фойдаланишни хоҳловчилар сони кўпайиб бормоқда.

В. И. Воробьевнинг таъкидлашича, ҳар 10 килограмм вазнни йўқотиш мижозга 50 сўмга тушмоқда. Лекин шунга қарамай янги тақриба катта аҳамият касб этади. Яқин орада Москвада марказнинг филиаллари очиледи. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги бундай марказларни мамлакатимизнинг ҳамма жойида очиш юзасидан қарор қабул қилди.

Павел ГАЛИН. [АПН].

КАЙФИЯТГА ТАЪСИР ҚИЛАДИ

ОБ-ҲАВОНИНГ кайфиятга таъсир этиши кўпчиликка маълум, албатта. У асаб, нафас, юрак, тер ажратиш системаларидаги турли сезгиларни уйғотиб кайфият, ақлий, жисмоний активлик ва иштаҳада ўзига хос ўзгаришлар ясади. Уз навбатда буларнинг ҳаммаси организмда акс-садо беради.

Ҳўш, бемор ана шу таъсирларни олдиндан юшатиши ёки олдини олиши мумкинми, қандай қилиб киши ўзининг ҳолати ҳамда кайфиятини касаллик бошлангунга қадар белгилаб ола бўларкин?

Шу нуқтан назардан келиб чиқиб, турли об-ҳаво шароитида атмосферада рўй берадиган ўзгаришлар ва уларнинг инсон организмда ҳосил қиладиган ҳолатлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу ҳолатлар беш хил: руҳий тушунлик, тетилик, бемажоллик, ўртача ҳорғинлик ва ланжлик кўринишлари бўлади. Атмосферанинг руҳий тушунликка сабабчи бўладиган таъсири ҳаво босими ниҳоятда ортиб кетганида рўй беради. Бундай пайтда беморлар инжиқ бўлиб қоладилар, уйқусизликдан нолийдилар. Қон босими ортиб кетади, ички нафас йўллари, жигар, буйрак, ошқозон ва бошқа ички органларда мускуллар оғриги кучаяди.

Мусаффо, булутлардан мурлақо холи ҳаво чараклаб турган кўёш кайфиятни чоғ этеди. Бунда касаллар ҳам ўзларини тетик сеза бошлайдилар. Уларда иш қобилияти, асосий физиологик хусусиятлар яна тикланади. Лекин бундай ҳолатда ҳам қон босимининг ошиш ҳоллари кузатилад.

Об-ҳавонинг кайфиятга таъсири белгиланган кўринишлардан бири бемажолликдир. Бундай ҳолат кўпича ҳаво босими паст келган пайтларда содир бўлади. Киши беҳол бўлиб юрак уриши тезлашади. Тўқималар тортишиб оғриди, терида титраш ҳоллари рўй беради. Организмнинг ҳавога тўйиниши псайиб кетади.

Уртача ҳорғинликнинг пайдо бўлиши ҳам ҳаво босимининг пастроқ келиши билан изоҳланади. Бунда инсон ўзида уйқуга кўпроқ мойиллик сезади. Маълум даражада ҳарсиллайди. Шу ҳолатда мия ва юрак, қон-томир касалликлари кўзгаллиши мумкин.

Об-ҳаво туфайли ланжлик келиб чиқиши мумкин. Бунда ҳориб-чарчаш ҳолати билан руҳан тетиклашув тез-тез алмашиб туради. Баъзан ланжлик анчагача давом этади.

Энди ҳулоса шуки, об-ҳаво маълумотлари метеоролог шарт-шароитларни ҳисобга олиб одам ўз руҳиятини кўтаришган нохушликлардан сақланиш мумкин.

Н. МАЖИДОВ,
Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти директори, медицина фанлари доктори, профессор.

БУ БОР ГАП

ШИФОХОНА ҚАБУЛХОНАСИДА

- Бемор, фамилиянгизни айтинг?
- Вафоев.
- Исингиз?
- Сафо.
- Қаерингиз безовта қилапти?
- Нафас етишмаяпти, доктор.
- Қачондан бери?
- Уч кунча бўлди.
- Шунчадан бери нафас етишмаса юрагингиз яхши экан-да.
- Билмадим, доктор. Тезроқ ётизингиз, хушимдан кетай, деб турибман, ҳароратим ҳам баланд.
- Иш жойингизни ёзишни унутибман.
- Сельто.
- Витта этик топса бўладими?
- Ҳиқ, ҳиқ, ҳиқ... б... б... бўлар.
- Қизимга юбка, поччангизга костюм ҳам керак эди...
- Бемор, нега индамайсиз? Бемор Вафоев, гапиринг, қўзингизни очинг. Йе, қўлларингиз ҳам совиб қолибди-ку.

С. ВАЛИЕВ.

Изоҳнинг ҳолати йўқ. М. Жўраев чизган расм.



ЭҲТИЁТ БУЛИНГ, ГРИПП!

ТУШУНТИРИШ ОЛИБ БОРАЙМИЗ

Шу кунларда катталар, айниқса, болалар орасида гриппга чалинганлар кўпайди. Бунинг олдини олиш йўлида қандай тадбирлар амалга ошириш керак? Область санитария маорифи уйи бош вақчи Жўра Абдуллаевич Абдуллаев бу борада қуйидагиларни гапириб берди:

— Гриппнинг бу кўриниши ҳар йилгидан фарқ қилиб, беморларни ўта бемажол қилишдан ташқари, касалликнинг тузалиш муддати чўзилиб кетаётганлиги билан мушкуллик туғдирмоқда. Ана шунинг эътиборига олиб биз республика соғлиқни сақлаш министрлигининг кўрсатмасига

асосан область шаҳар ва районларига соғлиқни сақлаш муассасалари ёрдамида аҳоли ўртасида эслатмалар тарқатилди. Шифохоналарда касаллик хусусиятларига оид кўргазмалар ташкил қилинди. Аҳоли пунктларида мактаблар, ўрта ҳўнар-техника билли юртлари, мактабгача болалар муассасаларида врачлар, ҳамширалар гриппнинг олдини олиш бўйича суҳбатлар ўтказмоқдалар.

ИШОН ВА ҚОНУН

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ИНСОФСИЗЛИК

ЯҚИНДА бошқа шаҳардан келган меҳмон билан «Октябрь» бозорига бордик. Убу харид қилиб юриб, бир тўп аёллар тўпланиб турган жойга бориб қолдик. У ерда ҳамиртуруш сотилаётган экан. Нарҳини сўрадик. Бир донаси 1 сўм. Давлат баҳоси эса атғири 30 тийин. Меҳмон «Ҳамиртурушга ҳам шунча тўполонми?» деб истеҳзо билан кулиб қўйди. Уялиб кетдим. Бозорни айланданамиз қадамда чайқовчини учратамиз. Нарҳи икки сўмдан ортинроқ турадиган қалишнинг баҳоси 5—6 сўм. колготкаларнинг нарҳи ҳам осмонда.

Кейинги пайтларда «Октябрь» колхоз бозорига чайқовчилар сойдаги тошдан ҳам кўпайиб кетди. Шуниси кишига таъсир этадики, улар кўларига ушлаб турган маҳсулотлар давлат корхоналарида ишлаб чиқариладган. Ишчи-хизматчи ўз қўли билан яратган маҳсулотни бирини ўн нарҳда сотиб олса, шу ҳам инсофданми?

Бозор раҳбарлари, район ички ишлар бўлими, қолаверса, шу ердаги участка инспекторлари қаёққа қарашляпти? Учар чайқовчиларни назорат қиладиган бирор ташкилот борми ё йўқми?

Р. ЖУНАЙДУЛЛАЕВА.

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ МАТЕРИАЛАРИ ИЗИДСИН

«БОЛАНИНГ РИЗҚИГА ХИЁНАТ ҚИЛАСИЗМИ?» (БИР МАҚОЛАГА ИККИНЧИ ЖАВОБ)

Газетанинг ўтган йил 1 декабрь сонига босилган юқоридagi сарлавҳали мақолада пойтахтимиздаги айрим болалар муассасаларида йўл қўйлаётган камчиликлар, жумладан, болаларга бериладиган оқатларнинг сифатсизлиги, ошхоналардаги антисанитария ҳолатлари танқид қилинган эди.

Ушбу мақолага Киров район партия комитетининг секретари Х. Жумаевдан жавоб хати олинди. Унда мақолада кўрсатилган қатор фактлар текширишда аниқланганлиги кўрсатилади. 97-мактабда 1987 йилнинг сентябридан то 29 октябрга-ча ошпаз-бригадир вазифасида ишлаган Д. Расулова йўл қўйган камчиликларидан тегишли ҳулоса чиқариб, уларни бартараф этишга ўз вақтида етарли эътибор бермаган.

Д. Расулованинг фаолияти 3-ошхона коллективни ўрғатганда муҳомака қилиниб, бошқа ишга ўтказилган. 97-мактаб ошхонасига ошпаз-бригадирлик вазифасига В. Суркова тайинланган.

ЎТГАН йилнинг 24 ноябрдаги шум хабар массивнинг 2-кварталидаги 30-уйда яшовчи барча оналарни оёққа турғазди. Қандайдир суюқ-оёқ аёл ҳали уч ойлик ҳам бўлмаган чақалогини шу уйнинг подвалига ташлаб кеттиди. Бундайларни на фақат она, ҳатто, аёл дейишга ҳам тили бормади кишининг.

Хуш, ўз қалбининг бир бўлагини зах, каламушхона бўлиб ётган шу ертўлага ташлаб кетишга нима мажбур эди уни! Аслида — нопоклик, разолат, енгил ҳаётга ўқлик, холос. Ҳа, бола унинг оёқ-қулпини боғлаб қўйди, ўзи каби саёқлар билан кўнглига келган ишни қилиб юришига ҳалал берди.

Ҳали 18 ёшга тўлмай туриб ноқонуний она бўлган Дилором А. саккизинчи синфни бир амаллаб тугатган, ўқимай қўйди. Бирор касб эгаси бўлиш ва ишлашни ҳаёлига ҳам келтирмади. Енгил табиат йиғит-қизлар билан санғиб юришни одат қилди. Бундай бебошлик, сўзсиз хунук оқибатларга олиб келди. Дилоромнинг шармандали ҳаётига чидай олмаган она бошқа районга қўйиб кетишга мажбур бўлди.

Кейинги пайтларда Дилором Чилонзор район балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекциясига тез-тез келиб, боласини топиб беришларини талаб қилаётган эмиш. Наҳотки, оналик хисси уйғонган бўлса! Афсуски, йўқ. Унинг мақсади бошқа. Ҳозир инспекция Ди-

Айрим ёшларимиз балоғат ёшига етмай туриб, беномуслик кўчасига қирмоқдалар, ишламай-пегмай ялло қилиб юриш йўлига ўтмоқдалар, жиноят содир қилмоқдалар. Чилонзор район прокуратурининг катта ёрдамчиси Қундуз ИСҲОҚОВАнинг суҳбатига шу мавзуга бағишланади.

лоромни оналикдан маҳрум қилиш ҳақида хужжат тайёрламоқда. Агар шундай бўлса, уни қамоқ жазоси кутади. Чунки, саёқ юрган кезларида жиноят ҳам содир қилган. Дарвоқе, у жиноят кўчасига елғиз қирмаган эди.

ки, бу — ҳақиқат. Ҳеч қандай қаршиликка дуч келмаган саёқлар ҳақдиларидан ошиб, жамоат транспортда ҳам ўғриликини авж олдирдилар. Ниҳоят улар метро вагонига ўзга шаҳардан келган меҳмон аёлнинг пул ва хужжатлари

БАЛОҒАТГА ЕТМАЙ ТУРИБ...

Мана унинг ҳамтовоқлари: Ходилхон К. гурӯҳидаги безориларнинг энг ашаддийси. Уғрилликни бошлаб беради ва улжаларни ҳам ўзи тақсимларди. Нарғиза М. билан Алёна К. активликда бошқалардан қолишмасдилар. Қайрилма пиноқ кўпинча Мария Ф.нинг чўнтағида бўларди. Елена М. эса ҳали 16 га тўлмай туриб, икки марта маҳсус жойда даволаниб чиқишга улгурган.

Эндигина 15 га тўлиб, 16 га қадам қўйган бу қизларнинг тўда бўлиши, куппе-кунду-даш кўчаларда, кино-театрларнинг атрофларида бўш-баёв қизларни ўртага олишиб, тилла тақинчоқлари, пуллари, дурустқоқ кийимларини тортиб олишларига ишонинг келмайди. Аммо афсус-

солинган сумкаларини ўғирлаб олган кунлари қўлга тушдилар.

Шу ўринда бир ҳақли савол туғилади: ҳали балоғатга етмай туриб, бу қизларнинг шармандали йўлга киришларига нима сабаб бўлди?

Авалло, айб ота-оналарнинг бепарволиги, бефарқлигида, оиладаги носоглом муҳитда. Қизлар кунлаб эмас, ҳатто, ҳафталаб уйга келмай юрганларида уларни терғайди-ган одам бўлмади. Қундузлар кўчада, жамоат жойларида ёш қизларни қўриқтиб, тўнаётганларида ҳеч ким уларни бу йўлдан қайтармади.

Шуниси ачинарлики, айрим одамлар кўра-била туриб, фақат ўз манфаатларини ўйладилар-да, уларга лоқ-лим

демедилар. Биз София Я. исмли аёлга шу маънода тавна қилишга ҳақлимиз. Ёш қизларни аэропортда кўрган София Я. уларга ўз квартирасини тавсия қилди. Бундан фойдаланган қизлар ўзларини мусобақага келган спортчи қилиб кўрсатдилар, меҳмонхонада жой йўқлигини рўқач қилиб, унинг квартирасида туришга рози бўлишди. Кунига 15 сўмдан бериб туришларини эшитиб, хужжатларини текшириб ўтирмади, «тренеримиз йиғиштириб олган» деганларига ишониб қўя қолди. Кейинчалик эса квартирага йиғитлар келиб кетадиган бўлишди. Қизлар уларни тренерларимиз, деб таништиришди. София Я. ишондими ёки ўзини ишонган қилиб кўрсатдими, виждонига ҳавола, квартирасида бир ой яшади, кунига 15 сўмдан қанда қилмай тўлаб туришди. Бундай қўмай даромад хар доим ҳам топилавермайди, ахир.

Балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекция ходимларига ҳам эътироз билдиришмоқчимиз. Бизнингча, инспекциянинг вазифаси тарбияси оғир ўсмирларни рўйхатга олишдангина иборат эмас, балки уларни хавфли йўлдан қайтариш, ҳаётда ўз ўрниларини белгилаб олишларига амалий кўмаклашишдан иборат. Бунинг учун эса бундай ёшларнинг кундалик ҳатти-ҳаракатларини эътибордан қочирмай, тинимсиз кузатиб бориш талаб этилади.

Бир сўз билан айтганда биз ҳикоя қилган воқеа ҳар биримизни ҳушёрликка чақиримиш, атрофимизда юз бераётган воқеаларга бефарқ муносабатда бўлмаслигимизга даъват этади. Зотан ёшлар тарбияси учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

Суҳбатни жамоатчи мухбир Р. ИБРОҲИМОВ ёзиб олди.

ЯРАМАС ИЛЛАТ ҚАЕРДАН ПАЙДА БЎЛАДИ?

Газетхонларнинг саволларига «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси хузуридаги ҳуқуқ ва социалистик қонунчиликни пропаганда қилиш жамоатчилиги Советиянинг аъзоси журналист А. Ҳасанов жавоб беради:

САВОЛ: Болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаганман. Ҳозир қарилки пенсиясига чиқаялман. Айтингчи, квартира бериш ҳақидаги ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдаги, белгиланган имтиёзлар пенсияга чиққанидан кейин ҳам сақланадими?
А. ҲАКИМОВА, Бекобод райони.

ЖАВОБ: Мактабгача болалар муассасаларида ишлаган педагог ходимлар пенсияга чиқишларидан олдин қишлоқ жойларида ишлаб иш ставкалари камида 10 йилни ташкил қилса ва пенсияга чиқишдан олдин ушбу имтиёزلардан

фойдаланган бўлсалар бепул иситилган ва ёритилган квартира олиш ҳуқуқини сақлайдилар.

Пенсионер янги турар-жойга кўчиб ўтса, улар яшаб турган қишлоқ, аҳоли пункти иши посёлкасига ёки шаҳарга айлантирилса ушбу жойларда мактабгача болалар муассасаларида ишловчилар иш даврида юқоридagi имтиёزلардан фойдаланган бўлсалар уларнинг ҳуқуқлари сақланиб қолади.

Ишчи посёлкасида жойлашган мактабгача болалар муассасаларидаги педагог ходимлар эса пенсияга чиқ-


қанларида юқоридagi имтиёзлар сақланмайди.

САВОЛ: Менинг онам ўзини яшаб турган колхозда 1955 йилдан бери меҳнат қилади. Унга пенсияга чиқиш даврида 55 сўм нафақа белгилашди. Нима учун унинг узлуксиз стажи ҳисобга олинмади.

М. ТОШПУЛТОВА, Коммунистик районидagi «Политотдел» колхозчи.

ЖАВОБ: 1956 йилда эълон қилинган давлат пенсиялари тўғрисидаги қонунга мувофиқ қишлоқ жойларида доимий яшовчи ва қишлоқ хўжалиги ишлари билан боғлиқ бўлган граждандарга пенсиялар белгиланган нормаларнинг 85 проценти миқдорда тайинланади. Хатингизнинг мазмунига кўра Сизнинг онангизга ҳам юқоридagi қондаги кўра пенсия тайинланган. Агар пенсияни тўғри тайинланганига шубҳангиз бўлса, уни қайта ҳисоблаб чиқиш мақсадида область социал таъминот бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

РАССОМ ҲАЖВ ҚИЛАДИ



— Қонун қўриқчиларига ҳам ҳайронсан: қанча-қанча гўшт-ни тортиқлаб кетган мушукка индашмайди-да, ҳар қадамда бизни таъқиб этишяпти.

— Вой-бў, туш ҳам шунча ваҳимали бўладими-а! Ҳайрият, емай-ичмай тўплаган бойлигим жойида экан.

Ш. Субҳонов чизган расмлар.

ОБЛАСТЬ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИГА

«МАДАНИЯТ» колхозида яшовчи 28 йшли Жалил Қозоқбоев ичкиликка ружу қўйган шахс. Бу иллат уни жиноятга етаклади. Мастликда ўз аксининг ўғли Зоир Қозоқбоевни сабабсиз қалтаклади. Жароҳатланган Зоир касалхонада ётиб чиқди.

Ана шу безорилик ҳаракати учун унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

БУСТОНЛИҚ РАЙОНИ
● Асқад Аҳметович СА.ФИН 1958 йилда туғилган. Ҳеч қаерда ишламайди. Охириги турар-жойи — Красноярск ўлкаси Большеемурут районидagi Большой-хонтат қишлоғи. Михаил Зелинский — 1938 йилда туғилган. Иш жойининг тайини йўқ. Охириги яшаб жойи — Чита области Петрозавбайнал районидagi Малита посёлкаси. Ҳар иккови турли жиноятлари учун судланган.

Улар Исқандар посёлкаси 5-уйда яшовчи, пенсионер Х. Шавадинова уйининг қулфини бузиб кириб, 500 сўм пул, 360 сўмлик тақинчоқларни ўғирлаб кеттиди. Сўнгра С. Тонжбоев уйига ўғирликка тушиб 200 сўм пули ва 320 сўмлик буюмларини ўмардилар.

Бу хавфли жиноятчиларни қўлга туширишда жиноят қилгани бўлимининг оператив ходими, милиция катта лейтенанти Тўйчи Мансуров, терговчи, милиция катта лейтенанти Абдуманноп Асқаровлар алоҳида маҳорат кўрсатишди.

КОММУНИСТИК РАЙОНИ
● УТКАЗИЛГАН оператив

тадбирлар давомида 34-мактабнинг ўиничи синф ўқувчиси Б. Саидназаров яшаётган уйда 31 грамм, 1955 йилда туғилган, 24-СПИМКа слесарь бўлиб ишлаган Г. Халипов уйда 134 грамм нафақа топилди.

АНГРЕН ШАҲРИ
● МАРКАЗИЙ посёлкада ўтказилган рейд вақтида Олмалиқ шаҳридаги 3-автобазага қарашли КамАЗ 5511 маркали 24—45 ТШУ номерли автомашина давлат автономинспекторлари томонидан тўхтаб текширилганда шофер Альберт Рафиқовкч Юсупов 6 тонна кўмирни ҳужматсиз олиб кетаётганлиги аниқланди.

• ҲАРБИЙ - ВАТАНПАРВАРЛИК •

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ— ФАРЗАНДЛАР МЕРОСИ

МАРДЛИК ЛАҲЗАЛАРИ

• Биз интернационалистлармиз

Учрашув дақиқалари қисқа бўлди. У Москвадан қайтаётганда, Тошкентдаги Туркистон ҳарбий округи музейга кириб ўтди. Музей ходимлари унинг овозини магнитофон плёнкасига ёзиб олдилар. Йигит аввал ҳаяжонланди, кейин Афғонистон ҳақида, ўз жанговар дўстлари ҳақида оҳиста оҳиста қила бошлади.

Бу ерда авваллари фақат собиқ фронтчилар овозига ёзиб олинарди. Миномёт наводчиси, кичик сержант Муродбек Бекешев эса, ўз интернационал бурчини Афғонистонда ўтаётган йигитлар орасида биринчи бўлиб тарих учун сўзлади. Зеро, музей ходимларининг фикрича, бу мамлакатда ўз интернационал бурчини ўтаётган йигитларимиз ҳам чинакам жасорат кўрсатмоқдалар. Ахир улар кўксига Бекорга орден тақшимапти-ку...

— Мен олдинлари Москвада бўлмаганман, — дейди М. Бекешев. — Ватанимиз пойтахтидаги Қизил майдонда, Ленин мавзолейида, Кремлда илк бор бўлишим.

Майдон узра таралган курантлар бонгини биринчи марта эшитиб, Мавзолей олдидаги постда солдатлар алмашувини ўз кўзларим билан кўрдим. Шунда ҳаёлимга ўртқларимдан ҳам бирортаси аини шу пайтда постни қабул қилуш олаётган бўлса керак деган фикр келди.

Бехиёр сержант Турсуновни эсладим. Биз биргаликда курсовга тушиб қолгандик. Командирим биринчи бўлиб ўридан кўзалди ва минометни ўқлай бошлади.

Оқшом, Қоронгулик фониде ёлқинланётган ўқлар тўғридан-тўғри у томон учиб келаётгандек туюларди. Енгинасида бўлганим сабабли ҳамроҳим ҳаракатларини яққол кўриб турибман. Турсуновнинг

қаққонлик билан, аниқ ишлаётгани ҳайратлангирарди мени.

Ўз-ўзимдан уялиб кетдим: Турсунов билан дўст бўлсаг-у, у ҳаётини хаф остига қўйиб жангга кираётганда, мен жон ховучлаб, ялпайиб ётсам. Қолаверса, наводчани мен-ку ахир...

Хуллас, минометни отиш учун бирга ҳозирладик. Нишонлар эса худди кафтагидек кўриниб турибди. Биринчи ўқимиз сал нарироқда портлади. Ствол бурчагини озгина ўзгарттирдик: учинчи ўқимиз «чакак ураётган» пулемёт овозини дарҳол ўчириб қўя қолди. Душман ҳужуми асосан ана шу пулемётга таянгани сабабли, ўқлар парвози кескин сийрақлашди. Бунинг устига бутун батареямиз бизни қўйлай бошлади.

Уша жанг мен учун дастлабки эди...

А. БАРАБАШ.

АРМИЯ ХИЗМАТИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Тошкент шаҳрининг Сергели районида ўсмирларнинг қонун бузишлари ўтган йилга нисбатан анча камайди. Бу «Октябрь — 87» ҳарбий ватанпарварлик клуби самарали ишларининг натижасидир. Клубни запасга бўшатишга ёш жангчилар район кенгаши тузган эди. Унга совет қўшинларининг Афғонистондаги чекланган қисмида хизмат қилган йигитлар биришган. Собиқ жангчилар 200 дан ортққ ўсмирлик клуби ишига жалб эдилар. Илгари бу ўсмирларнинг кўпчилиги балоғатга етмаган болалар ишлари назорат идорасининг ҳисобиде турар эдилар. Болалар бу ерда енгил атлетика билан шугулланадилар, радио тўғрақларида иштирок этадилар, дружинчаларнинг рейдларида қатнашадилар. Клуб ташкилотчиларининг мақсади — ёшларни армия хизматиға тайёрлаш, ўз қилмишлари учун масъулият ҳиссини тарбиялашдир. Ҳозир бундай клублар Тошкентнинг барча районларида ишлаб турибди.

Ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи Тошкентда ўтказилган запасдаги ёш жангчилар шаҳар слётининг мавзуси бўлди.

(ЎзТАГ мухбири).

СОЛДАТЛИК ОДДИЙ КУНЛАРИ

● Сержант Шухрат Қўзиев бўлима командирли сифатида ўз хизмат бурчини сиққидилдан ўтамоқда. Тенширув вақтида у ўз мутахассислигини аъло даражада эгаллаганлигини кўрсатди.

● Одий аскарлар (чапдан) Ринат Минибоев, Владимир Белоусов, Игорь Бабков, Александр Третьяковлар Совет Армияси сафларига қақирилгач, шу ерда танишиб, дўстлашиб қолди.

В. Багаев фотолари.



МУҚАДДАС ҚАБРИ ИЗЛАБ

Ҳалол, меҳнаткаш одамга туришга чиққанман, 10 та фарзанд кўрдик. Оиламиз ахил, тинч-тотув. Ҳеч нарседан ноилмайман. Фақат урушга жўнаб кетиб, қайтиб келмаган отам хотираси, унинг маъҳум қисматиғина мени ташвишлантирарди. Бу орада газетада Мажид Самадовнинг урушда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг бир қисми қарга дафи этилгани ҳақидаги мақоласи чиқди-ю, тинчимни йўқотдим. Савалган жангчилар орасида

отам — Аҳмад Йўлдошев номи ҳам бор эди. Мақолада ёзилишича, у Ворошиловград областининг Краснодон районидаги Великий Суходол хутори яқинида дафи этилган экан. Дарҳол мақола автори — М. Самадов билан учрашдим, район ҳарбий комиссариатида бўлдим ва ниҳоят Краснодон сафарига отландим. У ерда мени Улуғ Ватан уруши ветерани Д. Костин илққ кўтиб олди. Лекин отамнинг қабрини топа олмадим. Отам ҳалок бўлган ва дафи этилган жой ҳақида аниқроқ маълумотни қардан олиш мумкинлиги ҳақида маслаҳат берганич.

Ч. ЮНУСОВА,
Қаҳрамон ова.
Оҳангарон.

УМИД ҚУЁШИ СЎНМАСИН

«Менинг икки акам Улуғ Ватан уруши йилларида элворт ҳимоясига отланиб, фронтга жўнаб кетишган. 1946 йилда эса улар бедарак йўқолганлиги ҳақида хабар келди. Ушандан бери жигаргўшаларимиз тақдири биз учун қоронгу бўлиб келаётганди. «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ўтган йилги 14 октябрь сониде эълон қилинган Ҳ. Раazzoқованинг «Уларни танийсизми?» мақоласини

ўқиб, ҳаяжонланиб кетдик. Чунки унда «бедарак йўқолган» акам Ж. Алимбеков Смоленск областининг Гагарин шаҳарчасида дафи этилганлиги айтилганди. Қондош жигаримизнинг кейинги тақдири қисман ойдинлашгани, унинг ҳоки сақланётган замин маълум бўлганидан бироз таскин топдик. Бунинг учун аввало мақола авторига, қолаверса, редакция ходимларига миннатдорчилик бил-

дирмоқчимиз. Ана шундай материаллар тез-тез эълон қилиб турилса ахши бўларди. Сабаби урушда мен каби акасида, отасидан, ўғлиден, ёстикдошидан айрилиб, улар қисматидан беҳабар юрганларнинг сўна бошлаган умид кўеши қайта порлаган бўлур эди.

М. АЛИМБЕКОВ,
Янгийўл райони.

РЕДАКЦИЯДАН: Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ўз яқинлари ҳақида маълумот излаётган газетхонларимиз кўп. Улар бу ишда кўмак беришимизни сўраб, бизга ҳам муурожаат қилишмоқда. Албатта, бундай кишиларга қўлимиздан келганча кўмаклашамиз. Шунинг билан бирга улар тўғридан-тўғри СССР Мудофаа министрлигининг Марказий Архивиға хат орқали муурожаат қилишлари мумкинлигини эсла-тиб ўтмоқчимиз. Архивнинг адреси қуйидагича: 142100, Москва области, Подольск шаҳри, СССР Мудофаа министрлигининг Марказий Архиви.



БЎЛИНМА «ЖАНГ»ГА КЕТМОҚДА

● Ҳарбий дала машқлари Совет Армияси сафларида хизмат қиладиган йигитлар учун ҳақиқий чиниқиб мактаби вазифини ўтайди.

Мазкур машгулотлар мобайлида улар чинакам жангчи учун хос бўлган барча фазиладларни ўзлаштириб оладилар. Суратларда: (чап-

дан) катта сержант Ю. Аничков бўлинимаси «жангга» отланди; оддий аскар В. Агафонов «душман қўпорувчилари» ҳужумини қайтармоқда.

А. Мантров фотолари.



Толмас Раиса Ивановна

ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

«СЕВЕРНИЙ МАЯК» Урта Чирчиқ районидagi йирик колхозлардан ҳисобланади. Хўжалиқда 330 нафардан ортиқ хотин-қизлар меҳнат қилишади. Уларнинг ишлаш, маданий дам олиш ва яшаш шароитларини яхшилашда хотин-қизлар кенгаши муайян ишлар олиб бормоқда. У колхоз маъмурияти олдида турли масалаларни кўйиб, уларнинг кўпчилиги ижобий ҳал қилинишига эришмоқда.

— Яқинда кенгаш талаби билан колхоз марказий кўчаларида тунги ёритиш системалари ўрнатилди, — дейди раиснинг маданий-оммавий ишлар бўйича ўринбосари Борис Ким. — Бир неча йилдан бери аҳолига хизмат кўрсатиб келаётган, ноҳ ҳақ ҳам шу кенгаш талаби билан ташкил қилинган эди. Кенгаш колхоз аъзоларининг маданий ҳордиқ чиқаришларини уюштиришга доим эътибор беради. Пахта-

корлар, чорвадорлар тез-тез коллектив бўлиб тоғ зоналарига дам олишга боришади, кинотеатрларга тушишади, турли шаҳарларда бўлиб, уларнинг тарихий обидалари, қайноқ ҳаёти билан танишади.

— Лекин қилинаётган ишлардан ҳали кўнглимиз тўлмаяпти, — дейди кенгаш раиси Раиса Тигай. — Районимиз йилга давлатга топшираётган пахта ҳосилининг 10 процентини хўжалигимиз береди. Бундан ташқари кўплаб тонна шоли, қаноқ پوستи, пилла ҳам топшираемиз. Улардан ҳар йили ўрта ҳисобда 4—5 миллион сўм даромад олинади. Шунга қарамай кейинги йилларда колхозчиларимизга санаторий, дам олиш уйларига йўлланмалар ажратиш қамайди. Мавжуд 150 ўринли бола-лар бoғчаси ҳам эҳтиёжни қондирмайди.

Шуни ҳисобга олиб хўжалиқда бу йил 250 ўринли

янги бола-лар бoғчаси қуришни планга киритишга муваффақ бўлинди. Лекин қол-широқда бир неча йилдан бери ҳал қилинмаётган бошқа қатор масалалар ҳам бор. Хўжалиқ район марказидан анча узоқда жойлашган. Бир вақтлар 50 ўринли касалхона ташкил қилинган эди. Кейинчалик у аҳолига малакали хизмат кўрсатолмаяпти, деган ваз билан ёпиб қўйилди. Район туғруқхонаси эса анча олисда жойлашган.

— Баъзан аёлларимиз туғруқхонага етиб борганича йўлда турли кўнглисиз ҳолатлар содир бўляпти, — дейди Раиса Ивановна биз билан сўхбатда. — Шунинг учун бевосита колхозимизда медицина хизматини яхшилаш масаласини бир неча йилдан бери район соғлиқни сақлаш бўлими олдида кўймоқдамиз. Натижа чиқмапти. Мен ўтган йил 28 декабрда бўлиб ўтган колхоз партия комитети мажлисида

ҳам шу масалани яна кўтардим.

Раиса Ивановна илгор шойчилик бригадаси етакчиси. 22 йилдан бери хотин-қизлар кенгашига ҳам раислик қилиб келади. Ўз ишига меҳр қўйган. Ишониб топширилган жамоат ишларига ҳам масъулият билан қарайди.

— Бир йилдан кейин пенсияга кетаман. Шунгача туғруқхона масаласини ҳал қилишга ҳаракат қиламан, — дейди у сўзини давом эттириб.

Унинг сўзларини тинглаганман беихтиёр юқорида «хотин-қизлар кенгаши талаби билан ташкил этилди, тақлифи билан амалга оширилди» деб санаб ўтилган ишлар ҳам унинг ўз тақлифи, ўзи ўртага ташлаган талаблар эмасмикан, деган ўйга бордим.

— Хотин-қизлар билан ишлашни қандай ташкил қиласизлар? Улар бйрон муносабат билан баҳслар давра сўхбатлари, гурунлар ўтказиб туришадими? — савол бераман унга. Лекин минг аф-

суки: «Йўқ» деган жавоб эшитдим. Раиса Ивановна аёлларимиз, қайта қуриш, демократия ва ошкоралик даврининг моҳиятини тушуниб етмаётгандилар. Барча ишларни 9 кишидан иборат кенгаш аъзоларининг ўзлари ҳал қилишади деган фикр билдирди.

Колхоздан қайтарканман кишлоқ аёллари ҳаётга актив муносабатда бўлишларида айнан мана шу хотин-қизлар кенгаши қатта рол ўйнаши керак эмасми, деган ўй ҳаёлимдан кетмасди. Умуман колхоз аёлларидан ажралиб қолган бу ташкилот Раиса Ивановнадан сўнг ўз ишини лозим даражада давом эттира олармикан?!

Хурматли опа-сингиллар, сиз меҳнат қилаётган коллективларда ҳам хотин-қизлар кенгашлари ташкил қилинганми? Улар қандай фаолият кўрсатяпти? Шулар ҳақида бизга ёзиб юборинг. Иш тажрибангиз ва фикр-мулоҳазаларингиз ҳақидаги хатларингизни кутамиз.

М. ҚОСИМОВА.

● АКС САДО ●

НАФРАТНИНГ ЎЗИ ЕТАРЛИ ЭМАС

Газетанинг 1987 йил 26 декабрь сонида берилган «Қалб кўримиз Сиз оналар...» сарлавҳали мақолани ўқиб чиқиб фoғт таъсирландим. Дарҳақиқат, минг афеус билан айтиш мумкинки, кейинги пайтларда Ферузанинг ота-онаси каби ўз фарзандлари тақдирига бефарқ ота-оналар кўплаб ўқларимизда. Улар ўзларининг вақтинчалик хузу-р-ҳаловатларини ўйлаб фарзандлари ҳаётларини барбод, кўнглиларини ўқсин қилиб қўяётганликларини билишмаяпти.

Хўш, нима учун бу каби суюқоёқ аёлларга нисбатан ҳеч қандай қонуний жазо белгиланмайди? Ахир бундайлар бутун бир оилани барбод қилсалар, эртага яна бошқа бир оиланинг бошчига чанг соладилар. Икки ўртада беғуноҳ гўдакларнинг кўз ёшларини тўқадилар.

Биз бундан кейин шундай кимсаларга нисбатан кўрилган аниқ чоратadbirlar ҳақида газета саҳифаларида ўқиниш истар эдик. Ахир бу набилагаси нафратнинг ўзини етарли эмас. Токи, бу ҳаётда келажакни ўйламай қадам босаётган бошқа енгилган аёлларга ҳам ибрат бўлсин!

Ж. АБДУЛЛАЕВ,
меҳнат ветерани.

● АКС САДО ●

● ПОЯТХТДАГИ «Учқун» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган кенг истеъмол буюмларининг турлари тобора ортиб бормоқда. Уларнинг рангба-ранг безаклар билан чиройли бўлишда корхона рассомларининг ҳиссалари катта бўлмоқда. Ушбу суратда янги махсуслот эскизи устида ишлаётган рассомлардан Ф. Султонова, Х. Ҳасанова ва Л. Неякиналарни кўриб турибсиз.



● Татьяна Мельникова етти йилдан бери республика хисоблаш марказида ишлайди. У электрон ҳисоблаш машинасининг малакали операторларидан. Зиммасига юлганган вазифани ҳаминша ўз вақтида адо этади. Суратда: Т. Мельникова иш устида.

Т. Каримов фотолари.

У ЭРИНИ ишга кузатиб, эшикни қулфлади-да, ҳали йиғиб олинмаган ўринга ўзини таппа ташлаганча тўйиб-тўйиб йиғлади...

Эри эрталабки рейс билан Москвадан келди. Олиб келган совғаларини болаларга бирма-бир улашиб чиқди. «Ўзимга ҳам манави туфлини олдим, зур-а», деди ёш бола-дай кўз-кўзлаб ва кийиб қўрди. Кейин ҳаммалари бирга нонушта қилишди. Сўнгра эри командировка муддатим кече тугаган, бугун ишга бормасам бўлмайди, кечқурун эртароқ қайтарман, ош дәмлаб турарсизлар, деб ўрнидан кўзгалди. Хотини орқама-орқа эрига эргашди. Эр орқага ўгирилмади ва аллақандай живир-живир иккига тўрхалтани дипломат портфелига жойлай бошлади.

— Секретарь қиз билан унинг дугонасига берарман, ҳарқалай тез-тез ишим тушиб туради.

Хотинининг ҳайрон бўлиб қараб турганини, бошқача тушундимми, дарров кўшиб қўйди:

— Баҳоси бир сўм холос, хотин.

Эри айнан шу гапни яъни тўрхалтанинг баҳосини айтма-

ганида олам гулистон эди-ю... Аёлнинг бирданига ҳўрлиги келиб, шундагина эри ўзига ҳеч нарса олиб келмаганини эслади. «Эркак зоти ҳам хўп галати-да. Секретарига бир сўмлик бўлса ҳам совға олибди, менгачи? Секретари майли-я, унинг дугонасига бало борми?» У ўзини ўнглашга қанчалик уринмасин барибир худасидан чиқолмади.

ЎКИНЧ

— Бир сафар божангиз Москвадан ўзига, болаларига, таниш-билишларига турли совғалар, синглимга эса бир килограмна конфет олиб келганида, синглим роса йиғлаган эди.

— Айлангани эмас, иш билан борганимми яхши билсан-ку. Устига устак озгина пул билан кетган бўлсам, Викдонинг чидаса сен ҳам йиғлайвер...

Аёл йиғлаш у ёқда турсин

томчи ёшини ҳам кўрсатмади. Азалдан одати шунақа. Одамнинг ўзида бўлмаган нарсани талаб қилиб олишни ғирт но-донлик деб билади. «Қолавер-са, эримни шунга ўзим ўрга-тиб қўйганман, — деб ўзига ўзи дашмон бера бошлади. — Қўли юпқароқ бўлгани учун бошидан уни оверинг, бунинг оверинг, демедим. Бор-йўғига кўндим. Ўзини тиклаб олган-дан кейинги аҳволи эса мана бу. Лоқал вақтида олиб беролмаганман, ҳозир-ку, имкони бор, деган фикр етти ух-лаб тушига ҳам кирмайди. Шуми оқибат...» Эрининг ово-зи узоқ-узоқлардан эшитилди-ю, унинг ўқсиқ хаёлларини бузиб юборди.

— Мунага гезардинг, мана биттиси сенга.

У ҳўшига келиб маъюсгина деди:

— Керакмас.

Кунлар ўтди. Эр-хотин ҳеч нарса бўлмагандай иноқлашиб кетишди. Гинахонликлар унуттиди. Бир сўз билан айтганда фақат бир нарсани — аёлнинг ўша кунни дарз кетган кўнглини ҳисобга олмаганда ҳозир ҳамма ишлар жойида.

Гулчехра ЙҮЛДОШЕВА.

Ўзингизда бўлсин!

● Аёллар! Ҳеч вақт оғир юкни бир қўлда ёки бир елкада олиб юрманг. Акс ҳолда қадди қоматингиз ва қадам ташлашингизда хуноқ ўзгаршиш юз беради. Умурутқа поғона қийшайиб қолиши мумкин. Юкни икки қўлда, теппа-тенг бўлиб, олиб юринг. Махсус арава-чаларга солиб юриш эса яна ҳам қулай ва соғлиқ учун фойдалидир.

● Данақли мевалардан тайёрланган компотларни бир йилдан ортиқ сақла-

манг. Негаки, уларда организм учун зарарли бўлган синил кислотаси тўпланиб қолади.

● Холодийлигингиз ташқи қўрнини-ши янгидай ялтйраб туришини истасан-ши 50 грамм тиш порошоғи ва 20—25 грамм новшадил спирти аралашмасига шимдирилган қоғоз билан артинг.

● Илпқ уккус (сирка) ошхона плитасининг никелланган сиртинга қайта ялтйратишда қўл келади. Уни уккус

билан артиб чиққач, дарҳол қолдиқларини сув билан ювиб ташлаш ва ялтйрагунча артинг.

● Нафис рангли ёки оқ чармдан тикилган пойафзални чўтка билан тозалаб бўлмайди. Уни аввал жуи мато билан яхшилаб, артинг, сўнгра юзасига тоза латта билан рангига мос крем суртиб чиқасиз. Эрталаб жуи ёки баҳ-мал мато билан ялтйратасиз.

ТЕЛЕЭКРАНДА: КҮРИНГ, ФИКР ЮРИТИНГ, ДАМ ОЛИНГ

Душанба

1 февраль

MT-I

7.00. — «120 минут»
9.05. «Улар Ватан учун жанг қилган эдилар. Бадий фильм. 1-серия. 10.25. «Будапешт калейдоскопи». 11.40 ва 16.00. Янгилликлар. 16.10. «Қайта куриш прожектори». 16.20. Кинопрограмма. 16.55. Онамларнинг мактаби. 17.25. Одесса телевидение студиясининг программаси. 18.25. Халқ куйлари. 18.40. Мактаб: қайта куриш муаммолари. 19.10. Нега ва нима учун? 19.30. Уйларига қайтган интернационалист жангчилар ҳақида. 19.50. Мультфильм. 20.00. Туб ислохот йўллари. 1-қўрсатув. 20.30. Л. Н. Толстой. Сунгги кунлари. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. «Спрут-2». Телевизон бадий фильм. 1-серия. 23.20. Дунё воқеалари. 23.35. Қадимий романслар. 00.10. Хужжатли фильм.

MT-II

9.00. Эрталабки гимнастика. 9.15. Илмий-оммабоп фильм. 9.35. 10.35. Тарих. 10.05. Рус тили. 11.05. Қизқарли физика. 11.35. 12.35. Биология. 11.55. Чет эл фильмлари экрани. Мажбурий алиби. (ЧССР). 14.00. Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 15.00. Янгилликлар. 15.10. «Петерс». Бадий фильм. 16.50. Стол тениси. СССР чемпионати. 17.20. Волейбол. СССР чемпионати. 18.35. Янгилликлар. 18.45. Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 19.00. Бокс. СССР чемпионати. Финал. 20.30. Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45. Тўпчи хоккей. Халқаро турнир. СССР—Норвегия. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Хужжатли фильмлар экрани. 23.05. «Тонги почта». Музикали кўрсатув. 23.35. Янгилликлар.

УЗТВ-I

17.30. Қизилқувиқлар экрани. 18.00. Кўрсатувлар программаси. 18.05. Мультфильм. 18.10. Болалар учун. Езувчи В. И. Кудрявцева — меҳмончилик. 18.40. Мактаб ислохоти ҳаётга 19.30. Ахборот. 19.50. Балет шивавандларига. 20.30. Ахборот. 20.50. Концерт. 21.30. «Время». 22.05. «Навой». Видеофильм. 1-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.35. «Мен сизни севардим». Бадий фильм. 21.00. Хужжатли фильмлар. 21.30. Время. 22.05. Қайта куриш прожектори.

ФРУНЗЕ КҮРСАТАДИ: 22.15. «Қўнча қирғоқ». Бадий фильм.

Сешанба

2 февраль

MT-I

7.00. «120 минут». 9.05. Улар Ватан учун жанг қилган эдилар. Бадий фильм. 2-серия. 10.20. Болалар учун кўрсатув. 10.40. Концерт. 11.30. Николай Рубцов поэзияси. 12.10. 16.00. Янгилликлар. 16.15. Қайта куриш прожектори. 16.25. «Семенов сувенири». 16.50. «Уни Суз Батор деб аташарди». Бадий фильм. 18.05. Мультфильмлар. 18.25. Хужжатли фильм. 18.55. Концерт. 19.45. Дунё воқеалари. 20.05. Хужжатли фильм. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. «Спрут-2». Бадий фильм. 2-серия. 23.25. «Нигоҳ».

MT-II

9.00. Гимнастика. 9.15. «Москва бўйлаб саҳёт». 9.35. 10.35. Тарих. 10.05. Француз тили. 11.05. СПТУ ўқувчиларига. 11.35. 12.35. Табиатунослик. 11.55. Илмий-оммабоп фильм. 12.05. Француз тили. 12.55. Хужжатли фильм. 14.05. Концерт. 14.35. Янгилликлар. 14.45. «Одамлар ва дельфинлар». Уч серияли бадий фильм. 1-серия. 15.50. Музикали кино. 18.35. Янгилликлар. 18.45. Ритмик гимнастика. 19.15. «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.00. Волейбол. СССР чемпионати. 20.30. Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45. Халқаро панорама. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Концерт. 23.35. Янгилликлар.

УЗТВ-I

7.00. «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 17.30. Химия. 18.05. Мактаб ўқувчилари учун. 18.50. Мультфильм. 19.10. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотининг 70 йиллигига. 19.30. «Ахборот». 19.45. «Ёшлик». 20.00. Концерт. 20.30. «Ахборот». 20.50. Фан ва дин. 21.20. Фильм-концерт. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. «Навой». Видеофильм. 2-серия. 23.20. Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.30. «Келажак ҳақида ўйлаб». 20.00. «Қора капитан». Бадий фильм. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Душанба кўрсатади.

Чоршанба

3 февраль

MT-I

7.00. «120 минут». 9.05. Мультфильмлар. 11.00. Концерт. 11.25. Ҳайвонот оламида. 12.25. 15.55. Янгилликлар. 16.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. «Спрут-2». Бадий фильм. 3-серия. 23.15. Дунё воқеалари. 23.25. Концерт.

MT-II

9.00. Гимнастика. 9.15. «Москва бўйлаб саҳёт». 9.35. 10.35. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05. Немис тили. 11.05. СПТУ ўқувчиларига. 11.35. 12.35. Тарих. 12.05. Немис тили. 13.05. Хужжатли фильмлар. 14.45. Концерт. 15.25. Янгилликлар. 15.45. «Одамлар ва дельфинлар». Бадий фильм. 2-фильм. 16.55. Гитарачи М. А. Жиролле чалади. 18.35. Янгилликлар. 18.45. Концерт. 19.30. Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 19.55. Реклама. 20.00. «Архитектура ва жамият». 20.30. Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45. Волейбол. «Уралочка» — АДК. 21.20. Қайта куриш прожектори. 21.30. «Время». 22.05. Энг кучли чагичиларнинг тунги пойгаси. 23.00. Концерт. 23.55. Фильм-концерт. 00.40. Янгилликлар.

УЗТВ-I

7.00. «Ассалому алайкум». Информацион музикали программа. 17.30. УЗССР тарихи. 18.05. «Бойчечак». 18.35. «Ёшлик». 19.30. «Ахборот». 19.45. Езувчи ва замон. 20.30. «Ахборот». 20.50. Концерт. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. «Навой». Видеофильм. 3-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.35. Телефильм. 20.05. «Қўнча масжид олдидаги учрашув». Бадий фильм. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Фрунзе кўрсатади.

Пайшанба

4 февраль

MT-I

7.00. «120 минут». 9.05. «Салом музика». 9.45. «Ҳамроҳ». Бадий фильм. 11.05. Концерт. 11.35. Хужжатли фильм. 12.25 ва 16.00. Янгилликлар. 16.10. «Қайта куриш прожектори». 16.30. Музикали ҳазина. 17.00. Хужжатли фильм. 17.20. Украин халқ кўшиқлари. 17.45. «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.30. «Демократияни урганамиз». 19.00. Мультфильм. 19.10. Хужжатли фильм. 19.55. Дунё воқеалари. 20.15. «Янгра, гармон!». 21.30. «Время». 22.05. «Қайта куриш прожектори». 22.15. «Спрут-2». Телевизон бадий фильм. 4-серия. 23.15. «Уйлар... шоир ва россом В. Гончаров». 00.05. Дунё воқеалари. 00.15. Концерт.

MT-II

9.00. Эрталабки гимнастика. 9.15. Илмий-оммабоп фильм. 9.35. 10.35. Табиатунослик. 9.55. Илмий-оммабоп фильм. 10.05. Испан тили. 10.55. Илмий-оммабоп фильм. 11.05. Қизқарли физика. 11.35. 12.35. Ф. М. Достоевский. «Жиноят ва жазо». 12.05. Испан тили. 13.05. «Қайноқ қор». Бадий фильм. 14.45. Концерт. 15.05. Янгилликлар. 15.15. «Одамлар ва дельфинлар». Телевизон бадий фильм. 3-фильм. 16.15. Концерт. 18.35. Янгилликлар. 18.45. Хужжатли фильм. 18.55. Қишлоқ янгилликлари. 19.55. Ритмик гимнастика. 20.25. Ҳаракат ҳавфсизлиги учун. 20.30. Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар! 20.45. Тўпчи хоккей. Халқаро турнир. Швеция—СССР. 21.30. «Время». 22.05. «Қайта куриш прожектори». 22.15. «Биргаликда куйлайлик, дўстлар». 00.15. Театр мемуарлари. 00.50. Янгилликлар.

УЗТВ-I

7.00. «Ассалому алайкум». Информацион музикали программа. 17.25. Адабиёт. 17.55. Кўрсатувлар программаси. 18.00. Иван Павлов. Ҳақиқат излаб. Телевизон бадий фильм. 1-серия. 19.30. Ахборот. 19.45. Йирик планда — инсон. 20.20. Телефильм. 20.30. Ахборот. 20.50. Концерт. 21.20. Долзарб вазфа. 21.30. «Время». 22.05. «Қайта куриш прожектори». 22.15. «Навой». Видеофильм. 4-серия. 23.35. Халқаро аҳвол кундалиги.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.35. «Уз манзилли томон бораяман». Бадий фильм. 20.50. Реклама. 21.00. Қайта куриш ва атеистик пропаганда. 21.30. «Время». 22.05. «Қайта куриш прожектори». 22.15. Фрунзе кўрсатади.

Жума

5 февраль

MT-I

7.00. «120 минут». 9.05. Ҳаракат ҳавфсизлиги учун. 9.35. Халқ куйлари. 9.50. «Фидойи шахслар». 10.35. Баскетбол. Франция—СССР. 11.35. Хужжатли фильм. 12.25 ва 16.00. Янгилликлар. 16.10. «Қайта куриш прожектори». 16.20. «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». 17.20. Туркманистон телевидениесининг программаси. 18.20. «Фан: назария, тажриба, практика». 18.50. Концерт. 19.00. Баскетбол. Франция—СССР. 19.40. «Дунё воқеалари». 20.00. Концерт. 21.30. «Время». 22.05. «Қайта куриш прожектори». 22.15. «Спрут-2». Бадий фильм. 5-серия. 23.25.

«Нигоҳ». Тунги информацион музикали программаси.

MT-II

9.00. Гимнастика. Уқув программаси. 9.15. Илмий-оммабоп фильм. 9.35. 10.35. География. 10.05. Инглиз тили. 11.05. Қизқарли физика. 11.35. 12.35. Тарих. 12.05. Инглиз тили. 13.05. Хужжатли фильм. 13.35. Фильм-концерт. 14.40. Янгилликлар. 14.50. «Одамлар ва дельфинлар». Уч серияли телевизион бадий фильм. 3-фильм. 2-қисм. 18.35. Янгилликлар. 18.45. Мультфильм. 19.00. Инсон ҳуқуқлари ҳақида баҳс. 20.00. Томск чағи йўли. 20.30. Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45. Киножурнал. 20.55. «Очиқ роля». 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. «Сиз бунга қодирсиз». 23.05. «Қўли қўлга берайлик, дўстлар». 00.10. Шоирнинг уйи. Михаил Лозинский. 00.35. Янгилликлар.

УЗТВ-I

7.00. «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 17.30. УЗССР тарихи. 18.05. «Ёшлик». 18.15. Кинолаҳза. 18.20. «Иван Павлов. Ҳақиқат излаб». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 2-серия. 19.30. «Ахборот». 19.45. Телефильм. 20.00. «Инсон ва қонун». 20.30. «Ахборот». 20.50. «Бахт ва иқбол тароналари». 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. «Навой». Видеофильм. 5-серия. 23.15. Музикали фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.25. «Утган филлар ишлар». Бадий фильм. 21.00. «Сиз ва иқтисодий тэзлим системасида қайта куриш». 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Фрунзе кўрсатади.

Шанба

6 февраль

MT-I

7.00. «120 минут». 9.05. Хужжатли фильм. 9.35. Чашмалар. 10.05. Хужжатли фильм. 10.55. «Камалак». 11.30. Биз кўрмайдиган расмлар. 12.05. Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 12.35. Тележурнал. 13.05. Концерт. 13.15. Дунё воқеалари. 13.35. Концерт. 14.00. Мактаб ислохоти муаммолари ҳақида. 15.35. Л. Шепитько фильмлари телеэкранда. «Атонат». 17.20. Мўъжизасиз мўъжизалар. 18.20. Шейрият лаҳзалари. 18.30. Халқ дипломатияси. 19.30. Мультфильмлар. 19.55. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотининг 70 йиллигига. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. «Спрут-2». Бадий фильм. 6-серия. 23.25. Янгилликлар. 23.35. Телевизон танишуви. Людмила Гурченко 01.00. Концерт.

MT-II

8.30. Гимнастика. 8.45. Студия намойиш этади. 9.35. А. С. Пушкин чизган расмлар. 11.20. «Здоровье». 12.10. Сенинг леничка кутубхонанг. 12.40. Ҳайвонот оламида. 13.40. Новаторлар ва консерваторлар. 14.30. Берлинда меҳмонда. 16.15. Тўпчи хоккей. Халқаро турнир. СССР—Финляндия. 17.05. «Советский воин». 17.25. «Камалак». 17.40. «Энг чиройли от». Бадий фильм. 18.55. Мультфильм. 19.25. Хужжатли фильм. 19.35. Сизнинг фикрингиз. 20.15. Киноочерк. 20.30. Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45. Агар соғлом бўлай десангиз. 21.00. Концерт. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Сайланмалар. В. В. Маяковский. 23.20. Илмий-оммабоп фильмлар. 23.50. Янгилликлар.

УЗТВ-I.

8.00. «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 9.30. Хужжатли фильм. 10.00. «Эраклар учун алла». Бадий фильм. 11.10. Бунга ҳамма билиши ва удаллаши керак. 11.40. Фильм-концерт. 12.10. Уй қандай қурилади. 12.40. Маршал Жуков. Спецтакль. 15.00. Техника ижодиети мактаби. 17.55. Болалар учун концерт. 18.25. Иван Павлов. Ҳақиқат излаб. Бадий фильм. 3-серия. 19.30. «Ахборот». 19.45. Концерт. 20.30. «Ахборот». 20.50. Концерт. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. «Уттиз ёшга тўлган кунда». Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

17. 15. Душанба кўрсатади.

Якшанба

7 февраль

MT-I

8.30. Янгилликлар. 8.45. Ритмик гимнастика. 9.30. Хужжатли фильм. 9.50. «Спортлото». 10.00. «Будилник». 10.30. Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30. Тонги почта. 12.00. Киноафиша. 13.00. Музикали кино. 13.30. Қишлоқ янгилликлари. 14.30. «Здоровье». 15.15. «Камалак». 15.45. Хужжатли фильм. 17.05. Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 17.20. Эртақ хузурида меҳмонда. 18.30. Халқаро панорама. 19.15. Хужжатли фильм. 19.35. Мультфильм. 19.55. «Урмон». Бадий фильм. 21.30. «Время». 22.05. Кечага таклиф этамиз. 23.15. Янгилликлар. 23.25. Концерт.

MT-II

8.30. Зарядкага сафландинг. 8.45. Сиз яратган бог. 9.25. Портретлар. 10.35. Мактаб ўқувчилари учун. 11.35. Иқтисодий билимлар асослари. 12.10. Илмий-оммабоп фантастик фильм. 13.35. Уқитувчи дарсида. 14.10. «Мичман Панин». Бадий фильм. 15.40. Хужжатли фильм. 16.00. «Сильва». Музикали фильм. 18.20. Хужжатли фильм. 18.40. Икромчилик санъати ҳақида. 19.30. Реклама. 19.35. «Камалак». 20.10. Хужжатли фильм. 20.30. Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45. Агар соғлом бўлай десанг. 21.00. Музикали кўрсатув. 21.30. «Время». 22.05. «Сўнги йўл». Бадий фильм. 23.45. Павел Нилин. Ҳаётининг тафсилоти. 00.35. Янгилликлар.

УЗТВ-I.

8.00. «Ассалому алайкум». Информацион музикали программа. 9.30. Хужжатли фильмлар. 10.40. Биргаликда куйлаймиз. 11.00. Шахмат мактаби. 11.30. Комсомол ва қайта куриш. 12.15. Қувноқ шартлар. 13.15. Интенсивлаш беш йиллик широри. 19.45. «Бешинчи ёшда ўқийдиган шумтака». Бадий фильм. 15.10. Усмилар учун. 15.55. Реклама. 18.25. Мультфильм. 18.40. Болалик оламининг сехрлари. 19.30. «Ахборот». 19.45. Футбол чорраҳаларида. 20.30. «Ахборот». 20.50. Концерт. 21.30. «Время». 22.05. Мактаб ислохоти: қайта куриш муаммолари. 22.50. Совет кинеси усталари. Она портрети.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

17.55. Душанба кўрсатади.

СПОРТ

СПОРТ

СПОРТ

СПОРТ

«ПАХТАКОР» ҲУЗУРИДА БИР КУН

● МАВСУМЛДИ ХАЛҚАРО ҲАЙНЛАРИ

● ОЛИЙ ЛИГАНИ КҲЗЛАБ

● КОМАНДА ҲҲЖАЛИК ҲИСОБИГА ЭТАДИМИ!

«ПАХТАКОР» футболчилари чемпионатга тайёргарликни январь ойининг дастлабки ҳафтасидаёқ бошлаб юбордилар. Биз Қибрайдаги спорт базасида бўлиб, команда катта тренери Б. Абдураимов ва футболчилар билан суҳбатлашдик.



— Айни вақтида келдигиз-да, — деди Биродар мақсадини эшитгач, — Москвадан келганига уч кун бўлди, эртага яна учиб кетяман, икки кунлик тренерларнинг Бунититтфоқ семинари йиғилиши бўлади.

— Агар сир бўлмаса, йиғилишда қандай масала кўрилишини айти олайсизми!

— Ҳамма ерда бўлгани каби футбол командаларини ҳам ҳужалик ҳисобига ўтказиш мўлжалланмоқда. Семинар йиғилишида энг аввало ана шу масала муҳокама қилинади. Шунингдек, чемпионат низомидаги нуқсонлар, яъни мавсум охирида қолганида «керак бўлма» қолган очко ёки турнир жадвалига мутлақо таъсир қилмайдиган аҳамиятсиз ўйинларга йўл қўймаслик, шунингдек биринчи лигада дублёрлар состави бўлиш а бўлмаслиги сингари масалалар кўриб чиқилади.

ШУ ПАЙТ суҳбатимизни бўлиб хонага отаниш киши кириб келди. У ээр айтиб ўзини таништирди. Футболнинг ашаддий иширбози Уринбой Исмоилов ўли Нуралини имтиҳон қилиб кўришларини илтимос этиб олиб келибди.

Б. Абдураимов мекхонинг сўзларини эшитгач, Евгений Борисович Валицкийга ёш футболчинини синаб кўришни топширди.

— Бундай илтимослар билан тез-тез мурожаат қилиб туришди, — дея суҳбатимизни давом эттирди Биродар, — ким билади дейсиз, улар орасида истиқболли ўйинчилар ҳам топилса ажаб эмас.

Пахтакорчилар устозидан команданин чемпионатга кўраётган тайёргарлиги ва составдаги ўзгаришлар ҳақида

гапириб беришни сўрадик.

— Биласизми, футболчиларимиз ўтган йилги мавсумдан сўнг ёлчитиб дам ҳам олишолмади. Чемпионат тугаган, ўн кунлик қисқа танаффусдан сўнг Африка сафарига жўнадик. У ердан қайтиб келиб, бир ҳафта дам олиб 6 январдан машгулотларни бошлаб юбордик. Футболчиларимиз спорт формасини йўқотмадилар. Бир томондан бу машгулотларнинг анча энгил кўчишига олиб келмоқда. Аввалига залда жисмоний машқлар билан шуғулландик. Мана бир неча кундирки, яшил майдондамиз. Контроль ўйинларини ҳам ўтказишга улгурдик. Андижоннинг «Пахтакор» футболчиларини 3:1, Олмаликнинг «Металлург» командасини 5:0, Тошкентнинг «Трактор» коллективини 5:1 ҳисобида мағлуб этдик. Эртага эса Новокузнецкнинг «Металлург» футболчилари билан ўртоқлик ўйини ўтказишни режалаштирганмиз.

— Командадаги ўзгаришлар ҳақида тўхтапсангиз.

— С. Разаматов, Ф. Екубов, И. Иванов, С. Доронченковлар «Пахтакор»дан кетишти. Мухлисларга яхши таниш бўлган Мустафо Белолов қадрдон коллективга қайтди. Игорь Шкирин ҳам бу йил тошкентликлар сафига майдонга тушди. Марказий армия спорт клубида йўнаган Андрей Пятницкий, Москванинг «Торпедо» командаси аъзоси Валерий Шавейко, Куйбишевнинг «Крылья Советов» командасидан дарвозабон Геннадий Кахиани «Пахтакор»да ўйнаш истагини билдирдилар. Ешларга келсак, Санжар ва Шухрат Мақсудовларга ҳам умид боғлаб турибмиз.

— Келгуси машгулотлар қанерда ўтади, пахтакорчилар қандай турнирларда қатнашади!

— 30 январь кун Москва-

да йигитларни кутиб оламан. Уша кун «Спартак» билан контроль ўйинини ўтказамиз. Эртасига эса Болгарияга йўл оламиз. Солданск округида 1—15 февралгача давом этадиган халқаро турнирда қатнашамиз. Бу турнирда жами тўрт команда — Болгариядан иккита коллектив, Югославия ва биз ўзаро мусобақалашамиз. Сафардан қайтган, 18—23 февраль оралиғида Тошкентда Афғонистон футболчилари билан халқаро учрашув ўтказиш, олий лига вакиллари «Қайрат» ва «Жальгирис» билан тайёргарлигимизни синаб кўриш ниятидамиз.

26—29 февралда эса Наманганда бўладиган кичик турнирда ҳам иштирок этамиз ва нҳоят Сочига йўл олиб, у ерда мавсумга тайёргарликни яқуллаймиз. Бу йил мамлакат футбол федерацияси кубоги учун биринчи лига вакиллари ўртасида ўзига хос мусобақа ўтказишга қарор қилинди. Сочига 11—26 март кунлари ана шу мусобақанинг дастлабки босқич ўйинлари бўлади. Бу ерда Марказий армия спорт клуби, «Гурия», «Помир», «Котайк» командалари билан ўйинлар ўтказамиз. Узингизга аёни, чемпионатнинг дастлабки матларини пахтакорчилар ўз майдонда 7 ва 10 апрель кунлари Волгограднинг «Ротор» ҳамда Ростов-



М. Назаров фотолари.



нинг Армия спорт клуби коллективлари билан ўтказадилар.

— Команданин барча лигиялари — ҳимоячилар, ярим ҳимоячилар ва ҳужумчилардан кўнглингиз тўқми!

— Ҳозир командада 20 футболчи машқ қилмоқда. Уларнинг 11 нафари майдонга тушади. Бошқача қилиб айтганда бир ўрин учун икки футболчи даъвогарлик қилмоқда. Бу яхши. Энг кучлилар асосий составдан ўрин олади.

Сўнги саволингизга ўзим жавоб бериб қўяюлай. Бу йилги чемпионатдаги кўзлаб мақсадиимизга келсак, биз тренерларнинг ҳам, барча футболчиларнинг ҳам мақсади олий лигага қайтиш. Утган мавсум 1986 йилга қара-

ганда ўн бир поғона юқорига кўтарилган эканмиз, бу йил нега олий лигани кўзламайлик.

Телефон жириглаб қолди. Суҳбатдошимиз узг сўраб, муомаласини тугатгач, сўзини давом эттирди.

— Кеча Москвадан мекхонлар келишган эди. Май ойида биродарлашган Мароқашга совет делегацияси бориши керак экан. Улар сафига «Пахтакор» футболчилари ҳам жўнаши мўлжалланмоқда. Ана шу сафар муносабати билан чемпионатдаги айрим ўйинлар муҳлатини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган масалани ҳал қилиш учун мамлакат футбол федерациясига мурожаат қилиш лозим экан. Шунини гапллашиб олдик.

... ТАШҚАРИДА машгулотлар давом этарди. Футболчилар навбатма-навбат майдоннинг бир бошидан иккинчи томонга югуриб тул билан тўсиқларини айланиб ўтишар ва орқага қайтган, дарвозани нишонга олардилар. Тренер Евгений Борисович Валицкий ҳар бир футболчининг бу ҳаракати учун қанча секунд вақт сарфланганини диққат билан кузатиб бораётди ва йўл-йўлакай маслаҳат бермоқда. Дарвозада эса Геннадий Кахиани турбди. Бироз вақт ўтгач, футболчилар икки гурппага бўлиниб, ўйин бошлади. Тренер судьялик қилди.

Мавсумлди машгулотлари давом этмоқда... Ш. УМУРЗОҚОВ.

СУРАТЛАРДА: «Пахтакор» футболчилари навбатдаги машқда.

М. Назаров фотолари.

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сонин 31 январда чиқади.

Редактор ўринбосари С. Ф. МУСАЕВ.

БОКС

«ЮБИЛЕЙ» марказий спорт саройида давом этаётган бокс бўйича СССР 34-чемпионатининг ярим финалги РСФСР терма командасидан 16 чарм қўлқоп устаси, Қозоғистондан 8, Арманистондан 6, Москва ҳамда Ленинград шаҳарларидан 4, Украинадан 3, Белоруссия, Грузия, Латвия, Қирғизистон, Молдавия ҳамда Ўзбекистон терма командаларидан биттадан боксчи чиқишга муваффақ бўлган эди. Кеча ярим финал мусобақалари бўлиб ўтди. Уларни халқаро классдаги спорт мастерлари РСФСР терма командаси аъзоси Александр Махмутов ва қозғистонлик Каримжон Абдурахмоновлар бошлаб берди. Бу «жанг»да Махмутов голиб чиқиб, финалга йўллана олди. Олтин медалга даъвогарлар орасида халқаро классдаги спорт мастерлари арманистонлик Нишан Муяичи, ле-

нинградлик Александр Артемьев, РСФСР терма командаси аъзолари Сергей Уфимцев, Константин Цзю, Сергей Караваяев, Владимир Ерещенко, Сергей Бражников, Руслан Таранов, Евгений Судеков, қирғизистонлик Орзубек Назаров ҳамда украинлик боксчи Виктор Акишоновлар бор. Ярим финалда арманистонлик боксчи Самсон Хачатрян ҳамда РСФСР терма командаси аъзоси Константин Цзю учрашуви қизиқлиш билан кутилган эди. Маълумки, Константин бәрча жангларда юксак маҳорат кўрсатиб, илҳосманлар эътиборини ўзига жалб этмоқда. У чемпионатнинг дастлабки кунин энг яхши боксчи деб топилган эди. Яримфинал мусобақасида ҳам Константин юксак маҳорат кўрсатиб, ўз рақибни устидан ғайиб устунликка эриштиди. Арбитрлар бир овоздан уни голиб деб топдилар.

Кеча яримфинал мусобақаларида республикамиз терма командаси аъзоси Ҳаким Матчонов рингга чиқди.

ҚИЛИЧБОЗЛИК

«ПАХТАКОР» стадионинг спорт залда республика курбоги учун мусобақалар бошланди. Эркалар ўртасида рақибларини баҳсида дастлабки учта соварини ўринлар тошкентлик спортчилар В. Сизов, С. Павличенко, В. Абдуқуловларга насиб этди.

Мусобақада турли кўнглили спорт жаниятларининг юзга яқин дақили иштирок этмоқда.

ШАХМАТ

БИРИНЧИ лига вакиллари ўртасида Ўзбекистон чемпионати старт олди. Биринчи кун тошкентлик мастерлики номзодалар А. Сиддиқов, Е. Шарвацман, қўқонлик А. Ханлар галабага эришдилар.

ВОЛЕЙБОЛ

ЭРКАКЛАР ва аёллар ўртасида олий лига қатнашчиларининг навбатдаги тур ўйинлари давом этмоқда. Эркалар Свердловск ва Первоуральск шаҳарларида, аёллар эса Москва ва Минск мусобақалашмоқдалар. Республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг «Динамо» ва «Автомобилист» командалари учрашуларини ниҳоятда ёмон ўтказиб, утгандан мағлубиятга учрадилар. «Автомобилист» Ворошиловграднинг «Искра» коллективига 2:3, «Уралочка» командасига 0:3 ва «Уралочка-2» коллективига 1:3 ҳисобида ютқазди. «Динамо» эса Олмаотаининг «Дорожник» ва Киевнинг «Локомотив» командаларидан бир хил 0:3, Новосибирскнинг «Север» коллективидан эса 1:3 ҳисобида енглди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

(«Ташкентская правда») Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов. Издаётся на узбекском языке. Редакция адрес: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Узбекистон Компартияси Маризатий Комитети нарийитининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси: Тошкент шаҳри. Р — 08510. А. 1534. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12